



BUYRUQ - ПРИКАЗ

№ 71 от 26.07.2021

Тошкент ш.

Алоқа каналлари орқали хабарларни қабул қилиши, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги **419-сонли**, 2017 йил 11 сентябрдаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги **445-сонли** Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ 5729-сон** Фармони, шунингдек, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти тизимида **алоқа каналлари орқали келиб тушувчи хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш тартиби бўйича йўриқнома** ҳамда **ISO 37001:2016** “Коррупцияга қарши кураш бошкарув тизими, фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар” халқаро стандартини жорий этиш этиш мақсадида

Буюраман:

1.“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 16 июлдаги **91-сон** буйруғи ҳамда буйрук иловасида келтирилган йўриқнома маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бош ҳуқукшунос, комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул (**Ж.Рахматов**)га қисқа муддатда Жамиятнинг “алоқа каналлари орқали келиб тушувчи хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномани ишлаб чиқиш ва уни белгиланган тартибда **иловага** мувофик тасдиқлаш вазифаси юклатилсин.

3. Ахборот-коммуникация технологиялар бўлими бошлиги (**У.Инагамджанов**) “алоқа каналлари орқали келиб тушувчи хабарларни

қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш тартиби тўғрисида”ги Йўрикномани Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирсан.

4. Мазкур буйрукнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман. Унга доимий равишда амал қилинишини таъминлашни комплаенс-назорат ва коррупцияга карши курашиб бўйича масъул ходим Ж.Рахматов, Назорат ва ижро интизоми бўлими бошлиғи С.Шукуровалар зиммасига юклайман.

Бош директор

А.И. Ахмедов

“Гидропроект” АЖнинг 2021 йил __ июлдаги
___-сонли бўйргига илова.

“Гидропроект” акциядорлик жамиятида алоқа каналлари орқали келиб тушувчи хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш тартиби тўғрисида

Йўрикнома

“Гидропроект” АЖ
Тошкент ш. 2021й

Мундарижа

| | |
|---|--------------|
| 1.Умумий қоидалар | 3 |
| 2. Атамалар ва қисқартмалар | 3-5 |
| 3. Жамият билан алоқа қаналлари | 5 |
| 4. Жамиятнинг алоқа қаналлари ишлаш тамойиллари | 5-6 |
| 5. Алоқа қаналлари орқали қабул қилинган хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш тартиби | 6 |
| 5.1. Қабул қилинган хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, ва кўриб чиқиш учун умумий талаблар | 6-8 |
| 5.2. Жамиятнинг манзили, “Ишонч телефони”, электрон манзили, расмий вебсайти орқали қабул қилинган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тартиби | 8-9 |
| 5.3. Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига келиб тушган хабарларни қайта ишлаш тартиби | 10 |
| 6. Ҳисобот бериш | 10-11 |
| 7. Масъулият | 15 |

1-Илова:

1. Умумий қоидалар

1.1 Ушбу йўрикнома Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” (янги таҳтиридан) 445-сон Конун талабларига, “Гидропроект” акциядорлик жамиятнинг (бундан буён мантда – Жамият деб юритилади) алоқа каналлари орқали хабарларни қабул қилиш, кайта ишлаш, кўриб чиқиш ва уларга жавоб бериш тартибларини, билиб туриб ёлгон хабарлар ва тухмат учун жавобгарлик, шунингдек, мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Ўз навбатида мазкур Йўриқнома Жамиятга шунингдек, унинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ҳам мухим рол ўйнайди.

Куйидаги яъни, :

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фукаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонунчилик ва бошка қонун хужжатлари билан белгиланган мурожаатларга;
- давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1.2 Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари:

- жамият ходимлари ва учунчи шахсларга Жамиятда мавжуд алоқа каналлари тўғрисида тушунчалар бериш ва хабардор қилиш;
- хабарларни қабул қилиш, кайта ишлаш тамойиллари ва тартибини бирлаштириш;
- жамиятда қоидабузарликлар, шу жумладан, коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш.

1.3. Жамият билан алоқа каналлари ва уларнинг ишлаш тамойиллари тўғрисидаги маълумотлар қўшимча равишда Жамият ходимлари эътиборига ўқув машгулотлари, маълумотни маҳсус стендларда жойлаштириш, корпоратив электрон почта орқали ҳамда бошқа йўллар билан етказилади.

Алоқа каналлари фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотлар Жамиятнинг расмий веб-сайтида ҳам акс эттириши лозим.

1.4. Мазкур Йўриқномага амал қилиш Жамиятнинг барча ходимлар учун мажбурий хисобланиб, талабларига сўзсиз риоя қилиниши талаб этилади.

2. Атамалар ва таърифлар

Ариза берувчи – алоқа каналлари орқали Жамиятга мурожаат килувчи ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс, Жамият ходимлари.

Хукумат расмий вакили:

-Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятида тайинланган ёки сайланадиган лавозимни эгаллаган ҳар қандай шахс;

-Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлат манфаатлари учун, шу жумладан, давлат органи, корхона ёки муассаса манфатлари учун давлат функцияларини бажарадиган ҳар қандай шахс;

Ҳар қандай расмий ёки халқаро ташкилот вакили;

-сиёsatчилар, сиёсий партиялар мансабдор шахслари, шу жумладан, сиёсий лавозимларга номзодлар.

Давлат функциялар – давлат томонидан берилган ва давлат манфаатлари йўлида амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият.

Давлат органлари, корхоналар ва муассасалар – давлат хокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (*шу жумладан вазирликлар, хизматлар, идоралар ва ҳ.к.з*) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, давлат томонидан бевосита ёки билвосита бошқариладиган барча юридик шахслар.

Манфаатлар тўқиашуви – шахсий (*бевосита ёки билвосита*) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўrsataётган ёхуд таъсир кўrsatiши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлик билан Жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

Коррупцияга оид хукуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган килмиш.

Коррупциявий харакатлар – ноқонуний равишда давлат мансабдор шахсига (*пора, пораҳўрик*), тижорат ташкилоти вакилига (*тижорат учун пора*) ёки бошка ҳар қандай шахсга унинг харакати (*харакатсизлиги*) учун таъсир кўrsatiш ёки лавозим мажбуриятларини тегишли даражада бажармаслигигига ундаш ёки Жамият учун, жумладан, тегишли бўлмаган тижорат устуворлигигига эришиш мақсадида фойдани таклиф килиш, ваъда бериш, рухсат бериш, ўтказиш;

-расмиятчиликни камайтириш учун тўловни амалга ошириш;

-ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиш, хизмат мавқенини, ваколатларини сунстельмол килиш, шунингдек ходимнинг ўз мансабидан Жамият қонуний манфаатларига қарши ноқонуний фойдаланиши, жумладан, ўзи ёки учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида бошка шахслардан ноқонуний фойда олиш ёки олишга розилик бериш, талаб қилиш, ундириш ёки сўраш;

-пора олишда ёки тижоратда ўз томонига пора билан оғдириш учун воситачилик килиш, хусусан, ноқонуний фойдани олувчига етказиш ёхуд

етказувчига ёрдам бериш, ноқонуний фойда олиш ва бериш тўғрисида у билан келишувга эришиш ва амалга ошириш;

-коррупция ёки уни содир этишга олиб келувчи, жумладан, манфаатлар тўқнашувини намоён килувчи харакат сизлини.

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Ноқонуний фойда – пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк ёки мулк ҳукуклари, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, қонуний асосларсиз ваъда қилинган, тақлиф қилинган, тақдим этилган ёки олинган бошқа моддий ёки номоддий фойда.

Жамият – “Гидропроект” акциядорлик жамияти бўлиб, ўз навбатида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятнинг тизим корхонаси хисобланади.

3. Жамият билан алоқа каналлари

3.1 Жисмоний ва юридик шахслар ўзларини кизиқтирган саволлар бўйича Жамиятта мурожаат қилишлари, шунингдек, қўйидаги алоқа каналлари орқали Жамиятда юзага келиши мумкин бўлган коидабузарликлар, шу жумладан, коррупция тўғрисида хабар беришлари мумкин:

- Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 20 уй манзили орқали;
- E-mail: info@gidropunkt.uz;
- Бевосита раҳбарга;
- тўғридан тўғри Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиб бўйича Масъул ходимга ёки 974457250 телефон рақамига.

4. Жамиятнинг алоқа каналлари ишлаш тамойиллари

4.1. Жамиятнинг алоқа каналларини ташкил этиш ва фаолиятнинг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

Ариза берувчиларнинг фуқаролик ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш – Жамият жисмоний ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳукуклари ва эркинликларини бузилишига йўл қўймаслигини тан олади ва хабар берувчиларнинг ҳукуклари бузилган тақдирда уларни тикилашга қаратилган харакатларни амалга оширади;

Махфийлик ва хавфсизлик – хабарни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиши жраёнида масъул бўлган ходимлар ушбу Йўриқномада белгиланган тартибни бузган холда ўз вазифаларини Жамиятнинг бошқа ходимларига ёки учунчи шахсларга этказишга (ошкор қилишга) ҳакли эмас;

Қонунийлик – Жамиятнинг алоқа каналларига келиб тушган хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиши ушбу Йўриқноманинг

талабларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмайди;

Қабул қилинган барча хабарларни ўз вақтида ва объектив ўрганиш – Жамият келиб тушган барча хабарларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўрикномада белгиланган муддатларда тўлиқ (имкон қадар), ҳар томонлама, объектив ва ўз вақтида кўриб чиқилишини кафолатлайди;

Ариза берувчини ҳимояси – Жамият ходимлари ёки учинчи шахсларнинг хукуқбузарликларга оид гумонлари тўғрисида вижданан хабар берган ходимни жавобгарликка ёки таъкиб қилиш каби ҳолатларга тортилиши мумкин эмас;

Хабар берувчи билан алоқага чиқиш (агар иложи бўлса) – агар хабар номаълум бўлса, уни кўриб чиқиш натижалари ва ҳолати, уни кўриб чиқаётган Жамиятнинг масъул ходими томонидан мурожаат этувчига етказилиши керак;

Жавоб чораларини кўриш мажбурияти – коррупция ёки бошқа хукуқбузарлик фактлари тасдиқланганда, айборларни жавобгарликка тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ харакат килинади.

5. Алоқа каналлари орқали олинган хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш тартиби

5.1 Қабул қилинган хабарларни қайта ишлаш ва кўриб чиқиш учун умумий талаблар

5.1.1 Жамият хабарларни кўриб чиқиша жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоят ва мурожаатларини қабул қилиш ва ишлаш Назорат ва ижро интизоми бўлими (*кейинги матнда – Назорат бўлими*) келиб тушган барча хабарлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоят ва мурожаатлари тегишли тоифага ва тезкорлик турига (юкори/ўрта/паст) караб ажратади.

Хабар тоифалари қуйидагича бўлиши мумкин:

-мехнатни муҳофаза қилиш, саноат ва экологик хавфсизлик қоидаларини бузилиши мумкинлиги тўғрисида;

-коррупцион харакатлар ва манфаатлар тўқнапуви тўғрисида;

-ахлоқ кодекси бузилиши билан боғлик;

-ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларга оид;

-иш ҳақи/моддий ёрдамни тўлаш масалаларига оид;

-тижорат таклифлари;

-хайрия ташкилотлари ва фондларнинг хабарлари;

5.1.2 Девонхона хабарларнинг тоифаси, шошилинчлик турига (юкори/ўрта/паст) караб фуийдаги тартибини белгилайди:

Кўриб чиқишнинг **юкори долзарблиги** – бевосита маълум бир дакиқада юзага келадиган, салбий оқибатларни камайтириш ёки олдини олиш мумкин бўлган вазиятлар тўгрисидаги хабарлар. Бундай ҳолатлар бўлиши мумкин:

-жамият ходимларининг ёки бошқа шахсларнинг ҳёти ва соғлигига таҳдид мавжудлиги;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилиши (*шу жумладан, коррупция ва фирибгарлик фаолияти*);

-жамият ишлаб чиқариш фаолияти натижасида атроф мухитта зарап етказиш;

-жамият ходимларининг хизмат вазифаларини бажараётганда алкогол ёки гиёхвандлик моддалари таъсирида бўлганлиги тўгрисидаги хабарлар;

-кейинчалик Жамиятнинг обрўсига зарап етказилиши билан оммавий ахборот воситаларида ошкор қилиниши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Ўртача долзарблиги – илгари содир бўлган, Жамиятнинг коидалари, меъёрий хужжатлари ва тартибларини кўпол равишда бузганлиги тўгрисидаги маълумотларни ўз ичига олган хабарлар:

-коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқиашуви тўгрисида;

-жамиятга нисбатан судга даъво аризаси бериш ниятини ўз ичига олган хабарлар;

-иш хақини тўлаш бўйича саволлар;

-фуқароларнинг/мижозларнинг/етказиб берувчиларнинг шикоятлар;

-ахлоқий бузилишлар ва камситишлар тўгрисидаги хабарлар.

Паст долзарблиги – жамият фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлик бўлмаган хабарлар:

-тижорат таклифлари;

-жамиятда иш билан таъминлаш масалалари;

-хайрия ва ҳомийлик ёрдамини сўраб мурожаат килиши;

-бошқа ўхшаш йўналишлар.

5.1.3. Жамият хабарларни кўриб чиқиш учун қуидаги шартларни белгилайди ва хабар қабул килинган кундан бошланади:

-юкори долзарб хабарлар учун – **48 соат** ичida;

-ўртача долзарблиги бўлган хабарлар учун **10** (ўн) дан **15** (ўн беш) календар кунгача;

-паст долзарб хабарлар учун – **15** (ўн беш) дан **30** (уттиз) календар кунгача.

Агар қабул килинган хабарларга биноан кўшимча текшириш/ўрганиш зарур бўлса, белгиланган муддатнинг кўпайишига олиб келадиган кўшимча хужжатларни

талааб килиш керак бўлса, хабарни кўриб чиқиш учун масъул этиб тайинланган бўлим ходими мурожаат этувчини хабардор килиши шарт.

5.1.4. Жамият жисмоний ва юридик шахсларга Жамият ходимлари томонидан содир этилган хукуқбузарликлар, шу жумладан, коррупция тўғрисидаги аноним хабарларни юбориш хукуқини беради.

Агар аноним хабар келиб тушса, уни олган Жамиятнинг Масъул ходими, иложи борича қўйидагиларни бажариши шарт:

-жамият қабул қилинган хабарга жавоб бериш ва у билан боғлик қўшимча маълумотларни олишнинг иложи йўклиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошириш учун у билан боғлана олмаслиги тўғрисида Мурожаат этувчини огохлантириш;

Ариза берувчига у билан алоқа килиш учун алоқа маълумотларини тақдим этишини таклиф этиш ёки Ариза берувчига Жамият билан алоқа килиш учун номаълум канал яратишни таклиф қилиш (*масалан, шахсиз электрон почта манзили, Телеграмдаги маҳфий сухбат*), у билан қайта алоқа ўрнатиш;

-ушбу Йўрикномада белгиланган тартибда хабарни қабул қилиш (*шу жумладан, мурожсаат этувчи алоқа маълумотларини беришдан бош тортган тақдирда ҳам*).

5.1.5 Жамият ўз ваколатлари ва имкониятлари доирасида, алоқа каналлари орқали қонунбузарликлар тўғрисида ишончли маълумотларни тақдим этган муаллифнинг шахси тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, агар муаллиф ўз ихтиёри билан, шу жумладан, бепарволиги туфайли ўз хабарини Жамиятнинг бошка ходимларига ёки учунчи шахсларга юборган бўлса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини саклаш учун Жамият жавобгар бўлмайди.

5.1.6. Жамият ходимлари томонидан коррупция ва бошка хукуқбузарликлар содир этилганлиги (ёки гумон қилинган) тўғрисида вижданан хабар берган ходимларга ҳеч қандай жавобгарлик кўлланилмаслиги ва таъкиблардан химоя килинишини кафолатлайди.

5.1.7. Қабул қилинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида Жамиятнинг масъул ходимлари нафакат муаммоалр/хукуқбузарликлар келиб чиқишига сабаб бўлган фактларни тахлил киладилар, балки келажакда уларнинг олдини олиш чораларини кўришади.

5.1.8 Ўзбекистон Республикаси қонучилиги билан белгиланганидек қабул қилинган хабарларнинг реестри (*1-илова шаклида*), тегишли материаллар, хужжатлар ва қабул қилинган хабарлар тўғрисидаги маълумотлар (*шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва аризачиларга юборилган жавоблар*) Жамиятда камида 10 йил сакланиши шарт.

5.2. Жамиятнинг манзили, “Ишонч телефони”, электрон манзили, расмий веб-сайти орқали қабул қилинган хабарларни қайта ишлаш тартиби.

5.2.1. Назорат бўлими ушбу Йўрикноманинг **3.1-бандида** кўрсатилаган алоқа каналлари орқали хабарларни қабул қиласидар ва кўриб чиқадилар, тўғридан-тўғри Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юборилган хабарлар мустасно.

5.2.2. Назорат бўлими муаллифларга хабарлари келиб тушган ва уни кўриб чиқиши тартибининг бошланганлиги тўғрисида маълумот юборишлари шарт.

5.2.3. “Ишонч телефони” орқали тушган шикоят ва мурожаатларни қабул қилишда Назорат бўлими кўйидаги маълумотларни аниқлаши шарт:

-аризачининг тўлиқ ФИШ ва алоқа маълумотлари (*у билан фикр-мулоҳаза алмашини учун*);

-ташкilotнинг номи ва муаллифнинг ишлайдиган лавозими (*агар у юридик шахснинг манфаатларини ифода этадиган бўлса*), ариза берувчи ишлайдиган Жамият-бўлинма номи (*агар у Жамиятнинг ходими бўлса*);

-конун бузилиши содир бўлган ёки юз берадиган вақт, давр ва унинг даврийлиги (*такрорий ва бир марталик*);

-қонун бузилишининг кисқача тавсифи (шу жумладан, маълумотлар, аниқ мухим фактлар ва холатлар, тафсилотлар, мумкин бўлган сабаблар ва бошқалар);

-асосий айбдор ёки алоқадор шахсларнинг лавозими ФИШ;

-қонун бузилиши, бузилаётганлиги тўғрисида билиши ва тақдим этилган маълумотларни тасдиқлаши ёки тўлдириши мумкин бўлган Жамият ходимларининг тўлиқ ФИШ ва лавозими;

-зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Агар бирор киши автоответчикга мурожаатни қолдирган бўлса ва у билан алоқа қилиш учун алоқа маълумотларини кўрсатган бўлса, Назорат бўлими ходими, кейинги иш куни тушунтириш ва кўшимча маълумот олиш учун унга мурожаат қиласи.

5.2.4. Агар Жамиятнинг алоқа каналларига мурожаат қилган шахсда унинг хабарини тасдиқлаш учун узатиши мумкин бўлган кўшимча маълумотлар, масалан, фотосуратлар, хужжатлар, аудио ва видео ёзувлар бўлса, Назорат бўлими маълумотларни узатиш учун мавжуд бўлган алоқа каналларини кўрсатади.

5.2.5. Назорат бўлими масъул ходими қабул қилинган хабарларни тегишли тоифалар ва долзарблик турларини белгилайди, қабул қилинган хабарларни рўйхатга олиш журналида рўйхатдан зтказади (*I-илова шаклида*) ва хабарларни қабул қилиш пайтидан бошлаб **2** (икки) соат ичida қабул қилинган маълумотларни (*тегишли ва тасдиқловчи ҳужжатларни*) биритиради.

Маълумотларнинг тегишли даражадаги маҳфийлигини таъминлаш учун қабул қилинган хабарларнинг реестрига фақатгина Назорат бўлими, Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳамда Жамият Бон директори кириш хукукига эга.

5.2.6. Назорат бўлими масъул ходими қабул қилинган хабарлар тўғрисида (жисмоний ёки юридик шахслардан нотўғри қабул қилинган хабарлар, реклама, спам ва ҳоказоларни ўз ичига олган хабарлар бундан мустасно), Жамият бош директорини хабардор килади.

Қабул килиниб, долзарблиги юкори бўлган хабарлар иш куни давомида Жамият бош директорга етказилиши шарт.

Рўйхатдан ўтказиш босма ёки электрон шаклда **1-иловага** мувофик амалга оширилади, Жамият раиси танишиш имкониятига эга бўлиши учун реестрга киритилган барча хабарларнинг нусхалари кўрсатиб ўтилади ва илова қилинади.

5.2.7. Жамият Бош директори ҳар бир қабул қилинган хабарни кўриб чикиш тўғрисида буйруқ беради ва ушбу хабар фаолиятига тегишли бўлган бош директор ўринbosари/бўлимни ижрочи сифатида тайинлайди. Шу билан бирга, Жамият бош директорнинг рухсатисиз Жамиятнинг бошка ходимлари хабарларини кўриб чикиш ва таҳлил қилиш тартиби жалб қилиниши катъяян тақиқланади.

5.2.8. Коррупциявий харакатлар (*асосли хабарлар*) ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ барча хабарлар Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Масъул томонидан кўриб чиқилади. Ходимлари хабарларда кайд этилган бўлимларга ижро учун юборилиши мумкин.

5.2.9. Хабарни кўриб чиқиш учун масъул этиб тайинланган Жамият бош директор ўринbosари/бўлим бошлиги ушбу Йўриқноманинг **5.1.6-бандида** белгиланган муддатларда олинган хабарни объектив ва тўлик таҳлил қилишни таъминлайди. Агар қўшимча маълумот олиш зарур бўлса, бўлим бошлиги ёки бўйсунувида тайинланган масъул ходим мурожаат этувчидан қўшимча маълумотларни сўраш мумкин (*агар алоқалар мавжуд бўлса*).

5.2.10. Хабарни кўриб чиқиш натижалари бўйича Жамиятнинг масъул бош директор ўринbosари/бўлим бошлиги **5.1.6-бандда** белгиланган муддатларда хабарни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида мурожаат этувчини хабардор килади.

Кўриб чиқиш натижалари билан электрон нусха бош директор ўрибосари/бўлимнинг масъул раҳбари томонидан Назорат бўлимига ҳамда мурожаат этувчига жавоб билан бир вақтда юборилади.

5.2.11. Назорат бўлими масъул ходими қабул қилинган хабарлар реестрида барча рўйхатдан ўтган мурожаатларнинг Жамият бош директори ўринbosари/бўлимлари ўртасида тақсимланишини, шунингдек, хабарларни кўриб чикиш натижаларини муаллифларга ўз вақтида юборилишини назорат килади (*аноним хабарлардан ташқари*).

5.3 Комплаенс-назорат ва коррупция қарши курашиш бўйича Масъулга келиб тушган хабарларни қайта ишлаш тартиби

5.3.1. Хабар келиб тушганда, Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Масъул уни долзарблиги бўйича таҳлил қилади, яъни коррупцияга оид хукуқбузарликлар ёки манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқлигини текширади.

5.3.2. Агар Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Масъул хабарнинг аҳамияти йўқ деган холосага келса, **1** (бир) иш куни ичida Назорат

бўлимига жўнатади. Улар келиб тушган хабарни ушбу Йўрикноманинг **5.2-қисмида** кўрсатилган тартида чиқади.

5.3.3. Агар хабар тегишли бўлса:

-хабарни олганлиги ва уни кўриб чиқиши бошланганлиги тўгрисида хукукбузарлик моҳиятини кўрсатган ҳолда (*маҳфиликни сақлаш мақсадида муаллифнинг тўлич Ф.И.Ш, алоқа маълумотлари ва бошқа шахсий маълумотлари кўрсатилмаган ҳолда*) Жамият раисига хизмат хати чиқаради.

-1-иловадаги форматда реестрни тўлдириш учун Назорат бўлимига зарур бўлган маълумотларни юборади (*лекин мурожсаат этувчининг Ф.И.Ш, алоқа маълумотлари ва бошқа шахсий маълумотлари кўрсатилмаган ҳолда*).

5.3.4. Комплаенс-назорат ва коррупцияга карши курашиш бўйича Маъсъул хабарни ҳар томонлама тахлил қиласи, мурожаат этувчига тўғридан-тўғри мурожаат қиласи, ундан қўшимча маълумот ёки хужжатларни сўрайди, агар асослар мавжуд бўлса, белгиланган тартибда ички текширувни бошлайди.

5.3.5. Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Маъсъулга келиб тушган хабарларни кўриб чиқиши тамоиллари ва муддатлари ушбу Йўрикноманинг **4** ва **5.1-бандларида** кўрсатилганларга мос келади.

5.3.6. Хабарни кўриб чиқиши натижалари бўйича Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Маъсъул ходим **5.1.6-бандда** белгиланган муддатларда хабарни кўриб чиқиши натижалари тўгрисида мурожаат этувчини хабардор қиласи (*агар муаллифнинг алоқа маълумотлари мавжуд бўлса*).

Кўриб чиқиши натижалари кўрсатилган электрон нусхаси Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Маъсъул ходим томонидан Назорат бўлимига, ариза берувчига жавоб билан бир вақтда юборилади.

6. Ҳисобот бериш

6.1. Назорат бўлими қабул қилинган хабарларнинг реестрини юритади (*1-шлова шаклида*), шу асосда ҳар ойда Жамият раисига жавоб берилмаган хабарлар тўгрисида умумлаштирилган ҳисобот тақдим этади ва куйидагилар кўрсатилиши шарт:

-хабар олинган сана;

-хабарлар тоифалари;

-хабарни кўриб чиқиши натижалари бўйича Жамият томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

-хабарнинг ўз вактида кўриб чиқилмаганлигининг сабаблари;

6.2. Ҳар чоракда Назорат бўлими Жамият бош директорига статистик маълумотларни акс этирувчи қабул қилинган хабарлар тўгрисида ҳисобот шакллантиради.

-муаллифлар томонидан мунтазам ишлатиладиган алоқа каналлари;

- қабул килинган хабарларнинг тоифалари ёки мурожаат этувчиларнинг асосий саволлари;
- тоифалари доирасида ўз вақтида бажарилмаган хабарлар сони;
- хабарларни кайта ишлаш шартлари (*ҳар бир тоифадаги контекстдаги ўртacha муддат*);
- тасдиқланган фактлар сони (*масалан, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, коррупция ва бошқалар тўғрисидаги шикоятлар*);
- бошқа статистик маълумотлар.

6.3. Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Маъсъул Назорат бўлимидан ҳар қандай хабарлар реестрини бошқа тегишли маълумотларни мунтазам равишда сўрашга ҳаклиdir.

7. Маъсъулият

7.1. Ушбу Йўриқномага мувофиқ ходимлардан ва бошқа шахслардан хабар олган Жамият ходимлари Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва белгиланган тартиб талабларининг бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

7.2. Шахсий манфаатларни кўзлаш ёки бошқа гаразли мақсадларда ўз хабарларида қасдан ёлгон маълуотлар берган ёки бошқаларга қасдан тухмат килган шахслар Ўзбекистон Республикаси конунлари ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини руйхатга олиш (1-илова)

ПЕЕСТРИ